

**“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан  
2025 йилда хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокида амалга  
оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари бўйича  
МАЪЛУМОТ**

Бугунги кунда “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 31 январдаги 53-сонли қарорига асосан хорижий инвестиция ва кредитлар иштирокида магистрал электр тармоқларини ва подстанцияларини ривожлантириш ҳамда модернизация ва реконструкция қилишга қаратилган умумий қиймати **1 650,5 млн долллар** бўлган **8 та** (шундан, **7 таси** давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан ва **1 таси** бошқа хорижий инвестициялар ҳисобидан) инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳалар доирасида **1 006 км** 220–500 кВ кучланишли электр узатиш тармоқлари қурилади ҳамда подстанцияларда **3 128 МВА** қўшимча қувват яратилади. Шунингдек, **SCADA** ва **ERP** тизимлари жорий этилади.

**2025 йил** инвестиция дастури доирасида **461,3 млн доллар** хорижий инвестициялар ўзлаштириш режалаштирилган (2024 йил ўзлаштиришга нисбатан **125 фоиз**). Жумладан:

Давлат кафолати остидаги чет эл маблағлари – **251,3 млн доллар**.

Бошқа хорижий инвестиция маблағлари – **210,0 млн доллар**.

Хусусан, **2025 йил январь-май** ойларида **97,7 млн доллар** хорижий инвестициялар ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда **100,2 млн доллар** (режага нисбатан **102,5 фоиз**) ўзлаштирилди. Бунда, **26,6 млн доллар** давлат кафолати остидаги чет эл маблағлари (режага нисбатан **104,0 фоиз**) ҳамда **73,6 млн доллар** бошқа хорижий инвестиция маблағлари (режага нисбатан **102,0 фоиз**).

Шунингдек, **2025 йил 1-ярим йиллик якуни бўйича 225,0 млн доллар** хорижий инвестициялар ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, бунда **70,7 млн доллар** давлат кафолати остидаги чет эл маблағлари ҳамда **154,3 млн доллар** бошқа хорижий инвестиция маблағлари.

**2025 йилда** хорижий инвестициялар ҳисобидан умумий қиймати **200,2 млн доллар** бўлган **2 та** инвестиция лойиҳаси ишга туширилиши режалаштирилган ва бунинг натижасида **213 км** узунликда 220 кВ кучланишли ва **209,0 км** узунликда 500 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи ҳамда **1 602 МВА** қувватга эга **1 та** 500 кВ кучланишли подстанция ишга туширилади. Жумладан:

- “Узунлиги **127 км** бўлган **500 кВ**ли “Саримой” (Хоразм вилояти) – “Жонкелди” (Бухоро вилояти) юқори кучланишли электр узатиш тармоғини қуриш” лойиҳаси доирасида **137 км** узунликдаги **500 кВ** кучланишли электр узатиш тармоғи қурилади.

- “Янги **500 кВ** кучланишли “Ҳалқа” подстанцияси ва **220, 500 кВ** кучланишли ҳаво электр узатиш тармоқларини қуриш” лойиҳаси доирасида **213 км** узунликдаги **220 кВ**ли ва **72 км** узунликдаги **500 кВ**ли электр узатиш тармоғи ҳамда **1602 МВА** қувватга эга **500 кВ**ли подстанция қурилади.

Шунингдек, **2025 йил** инвестиция дастурига умумий қиймати **449,7 млн доллар** бўлган **6 та** истикболли лойиҳа киритилган.

**Халқаро алоқалар ва инвестицияларни жалб қилиш бошқармаси**